

100011, O'zbekiston, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 11, tel.: (71) 231-71-61, faks: (71) 231-71-52, e-mail: devonxona@yi.uz  
11 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan, 100011, tel: (71) 231-71-61, fax: (71) 231-71-52, e-mail: devonxona@yi.uz

№ 04-13/410

«24 » январь 20 18 y.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
Кенгашлари раисларига

Сизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-куватлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори тасдиқланган.

Қарорга мувофиқ Иттифоқнинг Марказий Кенгashi Ижроия кўмитаси томонидан моддий қўллаб-куватланишга даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари, анкета, ариза, йўриқнома, тавсия ва бошқа зарурий меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.


Шу муносабат билан Сиздан, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-куватланишга даъвогар талабалар билан иловадаги меъёрий хужжатлар асосида иш олиб борилишини ташкил этишингиз сўралади.

Илова: варак.

Марказий Кенгаш раиси  
ўринбосари



M.Zufarov



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири



И. Маджидов

Тошкент ш.,  
2017 йил “27” декабрь,  
30-2017-сон

Молия вазири



Д. Кучкаров

Тошкент ш.,  
2017 йил “27” декабрь,  
18.6 -сон

Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги ва Молия  
вазирлигининг  
2017 йил 27 декабрдаги  
30-2017 ва 186-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўллаб-куватлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПК-3138-сон “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан бўён матнда Иттифоқ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўллаб-куватлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қоидалари олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқишнинг кундузги бўлимида (иккинчи мутахассислик, сиртқи ва кечки таълим бундан мустасно) таҳсил олаётган талабаларга кўлланилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар Иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошлангич ташкилоти фаол қатнашган тақдирда Иттифоқ томонидан моддий кўллаб-куватланади

Моддий кўллаб-куватлаш Иттифоқ томонидан талабанинг ўқиши учун тўланадиган йиллик тўлов-контракт миқдорининг 35 фоизини тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни моддий кўллаб-куватлаш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шарти билан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида қўшимча тўлов-контракт асосида бакалавриат босқичига ўқишга қабул қилинган талабалар иккинчи босқичдан бошлиб моддий кўллаб-куватланиш хукуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий кисм Кўмандонлигининг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ва Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётган талабаларга мазкур Низомда белгиланган моддий кўллаб-куватлаш имтиёзлари татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Моддий қўллаб-кувватланадиган даъвогарларга қўйиладиган талаблар**

5. Моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этилаётган даъвогар талабанинг ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда (биринчи боскич талabalари учун ўкув йилининг биринчи семестри натижалари) 86 фоиз ва ундан юқори бўлиши лозим. Бунда даъвогар талабанинг ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган давраги ўкув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари йигиндисини ўтилган ҳар бир семестрдаги ўкув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

6. Иттифокнинг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгаши (бундан бўён матнда Ёшлар Кенгаши деб юритилади) даъвогар талabalарни моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишида даъвогар талабанинг куийдаги асосий кўрсаткичларини (биринчи боскичдаги даъвогар талabalар учун ўкув йилининг биринчи семестр натижаларини) инобатга олади:

даъвогар талабанинг Иттифокнинг Ёшлар Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиҳа ва тадбирларидаги фаол иштироки;

даъвогар талабанинг фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги эришган натижалари;

даъвогар талабанинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилияtlари;

даъвогар талабанинг илмий ва ижодий фаолиятдаги эришган натижалари;

даъвогар талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-коидаларга риоя этиши (талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-коидаларига риоя этмаганлиги юзасидан факат олий таълим муассасаси ректори буйруги асосида берилган ҳайфсан интизомий чораси Иттифокнинг Ёшлар Кенгаши томонидан даъвогар талабани моддий қўллаб-кувватлашни рад этиш учун асос сифатида қабул қилинади).

Даъвогар талabalарнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари Иттифокнинг Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

## **3-боб. Моддий қўллаб-кувватланадиган даъвогар талabalарни саралаш**

7. Ҳар йили 1 февраль кунидан кечикмаган ҳолда Ёшлар Кенгаши олий таълим муассасасида тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талabalарни моддий қўллаб-кувватлаш бўйича ўз фаолиятини бошлиши лозим.

8. Ҳар йили 10 февраль кунига қадар мазкур Низомнинг 2-бандида кўзда тутилган талabalар Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-кувватлаш кўрсатилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

9. Ҳар йили 10 февралдан 15 февралга қадар Ёшлар Кенгаши даъвогар талabalарнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда моддий қўллаб-кувватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қиласи.

10. Иттифокнинг Ёшлар Кенгаши даъвогар талабани моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этиш ёки рад этиш ҳукуқига эга.

Даъвогар талабани моддий қўллаб-кувватлаш рад этилган ҳолларда, Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёнида унинг сабаблари кўрсатилиши шарт.

11. Ёшлар Кенгашининг моддий қўллаб-кувватлашга талabalарни тавсия этиш тўғрисидаги қарори жорий ўкув йили мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

12. Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилинади.

Мазкур Низом асосида тақдим этилган барча хужжатларнинг тўғрилиги ва ҳакиқийлиги учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) ҳамда Ёшлар Кенгаши етакчиси жавобгар ҳисобланади.

13. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ёшлар Кенгашлари қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани тегишли хужжатлар тақдим қилингандан сўнг, ўн иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

14. Моддий қўллаб-қувватлаш жараёни Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

15. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорининг бир нусхаси уч иш куни ичида тегишли олий таълим муассасасига, иккинчи нусхаси Ёшлар Кенгашига юборилади.

16. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин беш банк куни мобайнида, лекин йиљнинг 1 мартадан кечиктирилмай олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий газна ҳисоб-варакларига моддий ёрдам кўрсатиш пули ўтказилади.

17. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиши муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

#### **4-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш пулиниң қайтарилиши**

18. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиқсан талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хукукига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий газна ҳисобваракларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши шарт.

19. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хукукига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

20. Талаба моддий қўллаб-кувватланиш ҳуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблагни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичидаги қайтаради.

21. Мазкур Низомнинг 19-21-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгashi Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор қилиши шарт.


#### 5-боб. Якуний қоидалар

22. Мазкур Низом қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-кувватланган талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ёшлар Кенгashi зиммасига юклатилади.

23. Ушбу Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashi билан келишилган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгashi раиси

2017 йил “27” деқабре



К. Куранбаев

100011, O'zbekiston, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 11, tel.: (371) 150-22-67, faks: (371) 241-08-50, e-mail: devonxona@yi.uz  
11 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan, 100011, tel: (371) 150-22-67, fax: (371) 241-08-50, e-mail: devonxona@yi.uz

№ \_\_\_\_\_ “ ” 20 \_\_\_\_ yil

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ

БАЁН № \_\_\_, \_\_\_ - БАНД, 2018 йил \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, моддий қўллаб-кувватлашга даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари тўғрисида**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш учун олий таълим муассасаларининг Ёшлар Кенгашлари томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чикувчи ишчи гурух таркиби 1-иловага мувофиқ;

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш учун олий таълим муассасаларининг Ёшлар Кенгашлари томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чикувчи ишчи гурух таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талабанинг аризаси намунаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талабанинг анкетаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этиш ишларини ўрганиш бўйича олий таълим муассасаси ишчи гурух баёни намунаси 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси

бўлган талабаларни моддий кўллаб-кувватлаш тартибини амалга ошириш юзасидан йўриқнома б-иловага мувофик;

Олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, фанлардан умумий ўртacha ўзлаштириш кўрсатгичи 86% ва ундан юқори бўлган талабаларининг ички тартиб қоидаларига риоя этганлиги ва фанлардан ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичлари тўғрисида маълумот намунаси 7-иловага мувофик;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, тўлов-контракт суммасининг 35 % ни тўлаб берилишини сўраб мурожаат қилган талабалар рўйхати намунаси 8-иловага мувофик;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўллаб-кувватланишга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати намунаси 9-иловага мувофик;

олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, тўлов-контракт суммасининг 35%ни тўлаб берилишини сўраб мурожаат қилган, лекин мурожаатлари рад этилган талабалар рўйхати намунаси 10-иловага мувофик;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўллаб-кувватланишга даъвогар талабаларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтари намунаси 11-иловага мувофик;

олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган моддий кўллаб-кувватланишга даъвогар талабалар билан ишлаш ҳамда уларнинг жамоатчилик фаолиятини баҳолаш бўйича тавсиялар 12-иловага мувофик;

олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, моддий кўллаб-кувватланишга даъвогар талабалар анкетасининг жамоатчилик фаолиятини баҳолаш жадвалида кўйилган балларни асословчи намунавий ҳужжатлар 13-иловага мувофик;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгashi йиғилиш баёни 14-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashi аппарати Бошлангич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Ш.Полвонов) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўллаб-кувватлаш билан боғлиқ жараёнларни мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси М.Зуфаров зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси**

**Қ.Куранбаев**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
1-илюва

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида тахсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-куватлаш учун олий таълим муассасаларининг

Ёшлар Кенгашлари томонидан тақдим этилган хужжатларни

кўриб чиқувчи ишчи гурух

**ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	Зуфаров Миржалалович	Муроджон Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, ишчи гурух раиси
2.	Максудов Мамиржанович	Сухробжон Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, ишчи гурух раиси ўринбосари
3.	Полвонов Фазлитдинович	Шерзод Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппарати бўлим мудири, ишчи гурух аъзоси
4.	Хасанов Абдуразоқович	Камолиддин Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппарати бўлим мудири, ишчи гурух аъзоси
5.	Ахмедов Элдор Элмирзаевич	Элмирзаевич Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппарати бош мутахассиси, ишчи гурух масъул котиби

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
2-иолова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида  
тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар  
талабаларниң асосий кўрсаткичларини  
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Изоҳ
<b>I. Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабанинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидаги фаол иштироки (Жами 130 балл)</b>			
1.	Иттифоқнинг мақсад-вазифалари ва фаолияти ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўйича билимини текширишга қаратилган тест натижалари	15	Етакчилар Кенгashi томонидан ташкил этилган ўкувлар якунлари бўйича умумий 30 та саволдан иборат электрон тест жараёни. 30 дақиқа вакт мобайнида ечиладиган электрон тестнинг хар бир тўғри жавоби учун 0,5 балл берилади.
2.	Иттифок тизимида фаолият юритаётган тўгараклар фаолиятидаги иштироки	10	Тўгарак аъзоси сифатида мунтазам иштирок этганлиги учун берилади
		20	Тўгарак раҳбари сифатида фаолият юритганлиги учун берилади.
3.	Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари қошида ташкил этилган турли уюшма ва тузилмалар фаолиятидаги иштироки	15	Иттифоқ қошидаги турли уюшмаларга аъзолиги ҳамда уларнинг фаолиятида фаол иштирок этганлиги учун берилади.
4.	Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий ва бошлангич ташкилот Кенгашлари томонидан ташкил этиладиган турли хайрия акциялари (кўмакка муҳтозис ва ёлғиз қариялар, ногиронлар, “Мехрибонлик уйи” тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиш)даги иштироки	10	Бириктирилган ишни қоникарли бажарганлигини тасдиқловчи маҳаллий Кенгаш маълумотномаси асосида берилади.
		15	Бириктирилган ишни намунали бажарганлигини тасдиқловчи маҳаллий Кенгаш ёки ёрдам кўрсатилган муассаса (шахс)нинг ташаккурномаси учун берилади.
5.	Бошлангич ташкилот иш режасидаги тадбирлардаги фаол иштироки	10	Камида 5 та тадбир ёки мусобакалардаги иштироки учун берилади.
		15	Камида 10 та тадбир ёки мусобакалардаги иштироки учун берилади.
6.	Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари томонидан ташкил этилган лойиҳалардаги иштироки	4	ОТМ босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		6	ОТМ босқичида ғолиб бўлгани учун берилади.

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Изоҳ
		8	Туман (шахар) босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		10	Туман (шахар) босқичида ғолиб бўлганлиги учун берилади.
		15	Худудий ва Республика босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		20	Худудий ва Республика босқичида ғолиб бўлганлиги учун берилади.
7.	Ёнлар хашарлари ва ободонлаштириш ишларидаги фаол иштироки	10	Камида 5 та хашар ёки ободонлаштириш ишларидаги фаол иштирок этганлиги учун берилади.
8.	Даъвогар талабанинг шахсий ташаббуси билан Ёшлар Кенгаши кўмагида тадбири (лойиха) ташкил этганлиги	10	Ўтказилган ҳар бир тадбир учун ўртача 2 балл, ўтказилган тадбирлар сонидан қатъий назар жами 10 баллгacha берилади.
9.	Даъвогар талабанинг жамоатчилик фаолиятини телевидение ва босма нашрлар (газета ва журналлар)да ёритилганлиги	10	Ҳар бир ёритилган мақола ва кўрсатув учун учун 1 балл, ёритилган тадбир сонидан қатъий назар жами 10 баллгacha берилади.

**II. Моддий қўллаб-куvvatланишга даъвогар талабанинг илмий-ижодий фаолиятидаги фаол иштироки  
(Жами 130 балл)**

10.	Даъвогар талабанинг фан олимпиадаларидаги иштироки	10	ОТМ босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		15	ОТМ босқичида ғолиб бўлганлиги учун берилади.
		20	Республика босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		25	Республика босқичида ғолиб бўлганлиги учун берилади.
11.	Илмий-амалий анжуман ва конференциялардаги иштироки	10	ОТМ миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
		20	Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
		25	Халқaro миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
12.	Республика ёки хорижий грантлардаги иштироки	20	Республика миқёсидаги грантлардаги иштироки учун берилади.
		25	Хорижий миқёсидаги грантлардаги иштироки учун берилади.

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Изоҳ
13.	Даъвогар талабанинг ихтироси (кашфиёти), инновацион лойихаси ва илмий монографиялари	15	Чоп этилган илмий монографияси учун берилади.
		30	Патент олинган ихтироси (кашфиёти) ёки реализация килинган инновацион лойихаси учун берилади.
14.	Даъвогар талабанинг Республика, ҳудудий, ОТМ ва Иттифоқ муассислигидаги босма нашрлар (газета ва журналлар)да чоп этилган илмий-публицистик мақолалари	10	Чоп этилган 1 (бир) дона мақола учун берилади.
		20	Чоп этилган 2 (икки) дона мақола учун берилади.
		25	Чоп этилган 3 (уч) дона ва ундан ортик мақола учун берилади.

### III. Қўшимча имтиёзли баллар

(Жами 115 балл)

15.	Даъвогар талабанинг Иттифоқ бошланғич ташкилоти сайланма органлари фаолиятидаги иштироки	15	Гурух ёшлар етакчisi этиб сайланганлиги учун берилади.
		20	Факультет Ёшлар Кенгаши аъзоси этиб сайланганлиги учун берилади.
		35	ОТМ Ёшлар Кенгаши аъзоси этиб сайланганлиги учун берилади.
		50	Факультет ёшлар етакчisi этиб сайланганлиги учун берилади.
		70	Бошланғич ташкилот ёшлар етакчisi этиб сайланганлиги учун берилади.
16.	“Молодёжь Узбекистана” газетасига обуна	5	6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.
		10	9 (тўққиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.
17.	“Ёшлар овози” газетасига обуна	10	6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.
		15	9 (тўққиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.
18.	“Ёш куч” журналига обуна	10	6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.
		20	9 (тўққиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.

#### Изоҳ:

- I блок (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидағи фаол иштироки) бўйича ўтиш кўрсаткичи 1-босқич даъвогар талабалар учун – **40 балл**, юкори босқич даъвогар талабалар учун – **75 балл**;

- П блок (илмий-ижодий фаолиятдаги фаол иштироки) бўйича ўтиш кўрсаткичи 1-босқич даъвогар талабалар учун – **10 балл**, юкори босқич даъвогар талабалар учун – **20 балл**;

- Умумий ўтиш кўрсаткичи 1-босқич даъвогар талабалар учун – **70 балл**, юкори босқич даъвогар талабалар учун – **143 балл**.

Даъвогар талаба мазкур баҳолаш мезонларининг бир бандида кўрсатилган турли йўналишлар бўйича натижаларга эришган бўлса, белгиланган баллнинг энг юкориси ҳисобга олинади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_сонли қарорига  
З-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида  
тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқининг фаол аъзоси бўлган моддий  
қўллаб-қувватланишга даъвогар талабанинг  
АРИЗАСИ НАМУНАСИ**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг  
(*ОТМ номи*) даги  
бошлангич ташкилоти Ёшлар Кенгашига  
(*ОТМ, факультети, гурӯҳи*) талабаси  
(*Ф.И.Ш*) дан**

**АРИЗА**

Мен, тўлов-контракт асосида  
(олий ўқув юрти, факультет, гурӯҳ)

---

---

ўқишга қабул қилинганман ва жорий 20\_\_/20\_\_ ўқув йилида шу таълим  
муассасасининг \_\_ -босқичда таълим олиб келмоқдаман.

Менинг 20\_\_/20\_\_ ўқув йилида ўқишим билан боғлиқ тўлов-контракт  
пулининг 35 фоизини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган  
“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-  
контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол  
аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги  
низомга асосан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилиш  
масаласини кўриб чиқишингизни сўрайман.

Тўлов-контракт сўммасининг 65 фоизини белгиланган муддатларда  
тўлаганман.

Анкета ва керакли хужжатларимни илова қиласман.

*(Сана)*

*(Имзо)*

*(Ф.И.Ш)*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
4-илова

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОМОНИДАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИННИНГ ФАОЛ АЪЗОСИ БЎЛГАН МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАНИШГА ДАЪВОГАР ТАЛАБАНИНГ  
АНКЕТАСИ**

Расм учун  
жой

(Ф.И.Ш)

1. \_\_\_\_\_ нинг  
(ОТМ)  
факультети \_\_\_\_\_ боскич \_\_\_\_\_ гурух талабаси.

2. Яшаш манзили (вилоят, шаҳар, туман) \_\_\_\_\_

3. Паспорт серияси \_\_\_\_\_, санасида \_\_\_\_\_  
туман ИИБ томонидан берилган.

4. 20\_\_ - 20\_\_ ўқув йилининг \_\_- семестрида талабанинг жамоатчилик фаолиятини баҳолаши  
жадвали

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Кўйилган балл	Изоҳ
<b>I. Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабанинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидағи фаол иштироки 130 баллик мезонда баҳолаиди</b>				
1.	Иттифоқнинг мақсад-вазифалари ва фаолияти ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўйича билимини текширишга қаратилган тест натижалари	15		Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқувлар якунлари бўйича умумий 30 та саводдан иборат электрон тест жараёни. 30 дақиқа вақт мобайнида ечиладиган электрон тестнинг ҳар бир тўғри жавоби учун 0,5 балл берилади
2.	Иттифоқ тизимида фаолият юритаётган тўгараклар фаолиятидаги иштироки	10		Тўгарак аъзоси сифатида мунтазам иштирок этганлиги учун берилади
		20		Тўгарак раҳбари сифатида фаолият юритганлиги учун берилади.
3.	Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари қошида ташкил этилган турли уюшма ва тузилмалар фаолиятидаги иштироки	15		Иттифоқ қошидаги турли уюшмаларга аъзолиги ҳамда уларнинг фаолиятида фаол иштирок этганлиги учун берилади.

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Қўйилган балл	Изоҳ
4.	Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий ва бошланғич ташкилот Кенгашлари томонидан ташкил этиладиган турли ҳайрия акциялари (кўмакка муҳтож ва ёлғиз қариялар, ногиронлар, “Мехрибонлик уйи” тарбияланувчилари ҳолидан =абар олии)даги иштироки	10		Бириклирлган ишни қоникарли бажарганлигини тасдиқловчи маҳаллий Кенгаш маълумотномаси асосида берилади.
		15		Бириклирлган ишни намунали бажарганлигини тасдиқловчи маҳаллий Кенгаш ёки ёрдам кўрсатилган муассаса (шахс)нинг ташаккурномаси учун берилади.
5.	Бошланғич ташкилот иш режасидаги тадбирлардаги фаол иштироки	10		Камида 5 та тадбир ёки мусобакалардаги иштироки учун берилади.
		15		Камида 10 та тадбир ёки мусобакалардаги иштироки учун берилади.
6.	Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари томонидан ташкил этилган лойихалардаги иштироки	4		ОТМ босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		6		ОТМ босқичида голиб бўлгани учун берилади.
		8		Туман (шаҳар) босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		10		Туман (шаҳар) босқичида голиб бўлгани учун берилади.
		15		Худудий ва Республика босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		20		Худудий ва Республика босқичида голиб бўлгани учун берилади.
7.	Ёшлиар ҳашарлари ва ободонлаштириш ишларидаги фаол иштироки	10		Камида 5 та ҳашар ёки ободонлаштириши ишларида фаол иштирок этганлиги учун берилади.
8.	Даъвогар талабанинг шахсий ташаббуси билан Ёшлиар Кенгashi кўмагида тадбири (loyixa) ташкил этганлиги	10		Ўтказилган ҳар бир тадбир учун ўртача 2 балл, ўтказилган тадбирлар сонидан қатъий назар жами 10 баллгача берилади.
9.	Даъвогар талабанинг жамоатчилик фаолиятини телевидение ва босма нашрлар (газета ва журнallар)да ёритилганлиги	10		Ҳар бир ёритилган мақола ва кўрсатув учун учун 1 балл, ёритилган тадбир сонидан қатъий назар жами 10 баллгача берилади.

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Қўйилган балл	Изоҳ
<b>II. Моддий қўллаб-куватланишга даъвогар талабанинг илмий-ижодий фаолиятидаги фаол иштироки 130 баллик мезонда баҳоланади</b>				
10.	Даъвогар талабанинг фан олимпиадаларидағи иштироки	10		ОТМ босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		15		ОТМ босқичида голиб бўлганлиги учун берилади.
		20		Республика босқичида иштирок этганлиги учун берилади.
		25		Республика босқичида голиб бўлганлиги учун берилади.
11.	Илмий-амалий анжуман ва конференциялардаги иштироки	10		ОТМ миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
		20		Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
		25		Халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, чоп этган тезиси, мақоласи ёки сертификати учун берилади.
12.	Республика ёки хорижий грантлардаги иштироки	20		Республика миқёсидаги грантлардаги иштироки учун берилади.
		25		Хорижий миқёсдаги грантлардаги иштироки учун берилади.
13.	Даъвогар талабанинг ихтироси (кашфиёти), инновацион лойиҳаси ва илмий монографиялари	15		Чоп этилган илмий монографияси учун берилади.
		30		Патент олинган ихтироси (кашфиёти) ёки реализация қилинган инновацион лойиҳаси учун берилади
14.	Даъвогар талабанинг Республика, худудий, ОТМ ва Иттифоқ муассислигидаги босма нашрлар (газета ва журналлар)да чоп этилган илмий-публицистик мақолалари	10		Чоп этилган 1 (бир) дона мақола учун берилади
		20		Чоп этилган 2 (икки) дона мақола учун берилади.
		25		Чоп этилган 3 (уч) дона мақола учун берилади.

№	Мезонлар	Белгиланган балл	Қўйилган балл	Изоҳ	
<b>III. Қўшимча имтиёзли баллар 115 баллик мезонда баҳоланади</b>					
15.	Даъвогар талабанинг Иттифоқ бошлангич ташкилоти сайланма органлари фаолиятидаги иштироки	15		Гурух ёшлар етакчиси этиб сайланганлиги учун берилади.	
		20		Факультет Ёшлар Кенгаши аъзоси этиб сайланганлиги учун берилади.	
		35		ОТМ Ёшлар Кенгаши аъзоси этиб сайланганлиги учун берилади.	
		50		Факультет ёшлар етакчиси этиб сайланганлиги учун берилади.	
		70		Бошлангич ташкилот ёшлар етакчиси этиб сайланганлиги учун берилади.	
16.	“Молодёжь Узбекистана” газетасига обуна	5		6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
		10		9 (тўккиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
17.	“Ёшлар овози” газетасига обуна	10		6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
		15		9 (тўккиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
18.	“Ёш куч” журналига обуна	10		6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
		20		9 (тўккиз) ойдан кам бўлмаган муддатга обуна бўлгани учун берилади.	
Талаба I-блок Ўзбекистон ёшлар иттифоки тизимидағи фаол иштироки бўйича			_____ балл тўплади		
Талаба II-блок илмий-ижодий фаолиятдаги фаол иштироки бўйича			_____ балл тўплади		
Талаба Иттифоқнинг фаолиятида иштироки бўйича жами			_____ балл тўплади.		
Факультет етакчиси		(Ф.И.Ш.)	(Имзо)		
ОТМ ёшлар етакчиси		(Ф.И.Ш.)	(Имзо)		

**6. 20 - 20 ўкув йилининг - семестрида талабанинг Ўзбекистон ёшлар итиифоқининг олий таълим муассасасидаги бошлангич ташкилотнинг йиллик иш режасида белгиланган тадбирлари ёки спорт мусобақаларида шитироки тўгрисидаги маълумот (талабанинг ўзи томонидан кўлда ёзилади).**

№	Тадбир номи	Миқёси (ОТМ, факультет)	Тадбир мазмуни	Талабанинг тадбирни ташкил этишдаги ўрни
	Гурӯҳ етакчиси	(Ф.И.Ш.)		(имзо)
	Факультет етакчиси	(Ф.И.Ш.)		(имзо)
	БТ етакчиси	(Ф.И.Ш.)		(имзо)

**(талабанинг Ф.И.Ш.)**

**7. Талабанинг иқтидори тўгрисида қўшимча маълумот.**

№	Талабанинг ихтироси, кашфиёти учун олинган патент ҳақида маълумот (номи, қачон кайси ташкилот томонидан берилган)	Талабанинг тегишили фан бўйича монографияси ҳақида маълумот (номи, шакли, қачон ва кайси нашриётда чоп этилган)	Чоп этилган публицистик материалларни ҳақида маълумот (номи, шакли, қачон кайси ОАВда эълон килинган)	Чоп этилган илмий мақола ёки тезислари ҳақида маълумот (номи, шакли, қачон кайси тўплам ёки ОАВда эълон қилинган)	Ёшлар Кенгаши етакчиси тасдиқлайди
					(имзо)
					(имзо)

**8. Талабанинг фаоллиги тўгрисида қўшимча маълумот.**

№	Олинган хужжат номи (фаҳрий ёрлик, диплом сертификат, ташаккурнома)	Хужжат олинган тадбир (номи, ташкилотчиси, ўтказилган сана ва мазмuni)	Олинган хужжат мазмуни (талабага нима сабабдан берилган)	Ёшлар Кенгаши етакчиси тасдиқлайди
				(имзо)
				(имзо)

**9. Талабанинг ўтган ўқув йилларида моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилгани ҳақида маълумот.**

1-курс	2-курс	3-курс	4-курс	5-курс	6-курс	Ёшлар Кенгаши етакчиси тасдиқлайди
						(имзо)

**10. Уибу ўқув йилида:**

Тавсия этилди ёки тавсия этилмади. (талаба моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилмаган тақдирда талаба нима учун тавсия этилмаганини сабаблари ёзилиши лозим).

Талаба (имзо) (Ф.И.Ш.)

Гурӯҳ етакчиси (имзо) (Ф.И.Ш.)

Факультет етакчиси (имзо) (Ф.И.Ш.)

Ёшлар Кенгаши етакчиси (имзо) (Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «  » январдаги  
01-04/  сонли қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этиш ишларини ўрганиш бўйича (ОТМ) Ишчи гурух  
БАЁНИ намунаси**

20\_ йил “  ” \_\_\_\_\_

(Худуд номи)

Раислик қилувчи:

**ОТМ раҳбари(ректори) (Ф.И.Ш) – ишчи гурух  
раиси**

Котиб:

**Манавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар билан  
ишлаш бўлими бошлиғи (Ф.И.Ш)- ишчи гурух  
котиби**

Иштирок этди:

**Ишчи гурух аъзолари (рўйхат асосида).**

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. (Олий таълим муассаса номи)да тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш учун тавсия қилиш ишлари тўғри ташкил этилганини ўрганиш натижалари мухокамаси.**

**II. Турли масалалар.**

---

Кун тартибидаги белгиланган биринчи масала юзасидан раислик қилувчи (Ф.И.Ш) сўзга чикиб, (ОТМ номи) ректорининг 20\_ йил \_\_\_\_\_ даги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисида”ги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш учун тавсия этишга кўмаклашиш бўйича ишчи гурух тасдиқланганлиги ҳамда мазкур ишчи гурух аъзолари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан ишчи гурух аъзолари – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши раиси (Ф.И.Ш) ҳамда Ўкув-услубий бошкарма бошлиғи (Ф.И.Ш), Мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи (Ф.И.Ш), сўзга чикиб, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган жами \_\_\_\_\_ нафар талабалардан \_\_\_\_\_ нафар талабалар 20\_ -20\_ ўкув йилида тўлов-контракт пулининг 35 фоизини моддий ёрдам тарикасида тўлаб бериш (борасидаги/бўйича/тўғрисидаги) масалани кўриб

чиқилишини сўраб, Иттифоқнинг (*ОТМ номи*)даги бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгашига ариза билан мурожаат қилганлиги, (*ОТМ номи*) томонидан Иттифоқнинг (*ОТМ номи*)даги бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгашига талабаларнинг ички тартиб қоидаларига риоя этганини ва фанларни ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари тўғрисидаги (ректор ва факультет декани ва ўринбосарлари томонидан имзоланган) маълумот ҳамда талабалар томонидан Иттифоқ фаолиятидаги (маънавий-маърифий ва жамоат ишларида, Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти, маҳаллий ва ҳудудий Кенгашлари, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиҳа ва танловларида) иштироки тўғрисидаги (Ёшлар Кенгаши етакчиси ва Кенгаш аъзолари, факультет ҳамда гурух етакчилари томонидан имзоланган) маълумотлар тақдим этилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтилди.

Ишчи гурух ўрганиш натижаларига кўра:

- Бошланғич ташкилот Ёшлар Кенгашининг 20\_\_ йил \_\_ \_\_ \_\_ \_\_ \_\_ даги \_\_ -сон йиғилиш баёнига мувофиқ, \_\_ нафар тўлов-контракт пулининг 35 фоизини моддий ёрдам тарикасида тўлаб бериш масалани кўриб чиқилишини сўраб мурожаат қилган талабалардан \_\_ нафари моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилганлиги;

- моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилган \_\_ нафар талабаларнинг барчаси шартнома-тўловининг 65% ни тўлаганлиги;

- моддий қўллаб-куватланишга тавсия этилган \_\_ нафар талабаларнинг барчаси белгиланган даврда олий таълим муассасаси ички тартиб-қоидасига тўлиқ риоя этгани ва уларга нисбатан ҳеч қандай интизомий жазо чоралари қўлланилмаганлиги;

- моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилган \_\_ нафар талабаларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда 86 фоиз ва ундан юкори эканлиги;

- моддий қўллаб-куватлашга тавсия этилган \_\_ нафар талабаларнинг шахсий йиғма жилдларида Иттифоқ фаолиятида фаол иштирок этгани тўғрисидаги маълумотлар мавжуд ва тўғри расмийлаштирилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, олий таълим муассасасидаги тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабалар билан ишчи гурух аъзоларининг очик мулокоти ташкил этилди.

Мулокотда \_\_ нафар тўлов-контракт пулининг 35 фоизини моддий ёрдам тарикасида тўлаб бериш (борасидаги/бўйича/тўғрисидаги) масалани кўриб чиқилишини сўраб мурожаат қилган талабалардан \_\_ нафари иштирок этди.

Мулокотда талабаларга моддий қўллаб-куватлаш тартиб-қоидалари, тавсия этилгани ёки рад этилганлик сабаблари тушунтирилди.

Мулокотда моддий қўллаб-куватлашга даъвогар талабалар томонидан ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар билдирилмади.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мuloҳазаларни инобатга олиб, йиғилиши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ишчи гурух аъзолари – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши раиси (*Ф.И.Ш*) ҳамда Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи (*Ф.И.Ш*), Мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи (*Ф.И.Ш*) томонидан (Олий таълим муассаса номи) да тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол

аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун тавсия этиш ишлари тўғри ташкил этилганлигини ўрганиш натижалари юзасидан ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иттифоқнинг (*OTM номи*) бошлангич ташкилот Ёшлар Кенгаши томонидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ишларини амалга оширишда камчилик ва хатоликларга йўл қўйилмаган ва тўғри ташкил этилган деб топилсин.

3. Иттифоқнинг (*OTM номи*) бошлангич ташкилот Ёшлар Кенгашига тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларнинг фаоллигини янада ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

4. Йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

**Раислик қилувчи**

**(Ф.И.Ш)**

**Котиб**

**(Ф.И.Ш)**

**Ишчи гурӯҳ аъзолари:**

<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>
<i>Иш жойи ва ловозми</i>	<i>имзо</i>	<i>Ф.И.Ш.</i>

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «  » январдаги  
01-04/   сонли қарорига  
6-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартибини амалга ошириш юзасидан**  
**ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш хақида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан буён матнда Иттифоқ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш тартибини белгилайди.

1. Қоидаларга мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқишнинг кундузги бўлимида (иккинчи мутахассислик, сиртқи ва кечки таълим бундан мустасно) таҳсил олаётган талабаларга қўлланилади.

Тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар Иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-кувватланади.

Моддий қўллаб-кувватлаш Иттифоқ томонидан талабанинг ўқиши учун тўланадиган йиллик тўлов-контракт микдорининг 35 фойзини тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш, улар томонидан шартномада белгиланган тўлов микдорининг 65 фойзини белгиланган муддатларда (хар ўкув йилининг 28 февраль охирги муддат хисобланади) тўлаш шарти билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида қўшимча тўлов-контракт асосида бакалавриат боскичига ўқишига қабул қилинган талабалар иккинчи боскичдан бошлаб моддий қўллаб-кувватланиш хукуқига эга бўладилар.

2. Моддий қўллаб-кувватлашга тавсия этилаётган талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда (биринчи боскич талабалари учун ўкув йилининг биринчи семестр натижалари) 86 фойз ва ундан юкори бўлиши лозим. Юкори боскич талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврдаги ўкув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари

йифиндисини ўтилган хар бир семестрдаги ўкув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

3. Иттифоқнинг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгаши (бундан буён матнда Ёшлар Кенгаши деб юритилади) даъвогар талабаларни моддий қўллаб-куватлашга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиша даъвогар талабаларнинг қуидаги асосий кўрсаткичларини (биринчи босқичдаги даъвогар талабалар учун ўкув йилининг биринчи семестр натижалари) инобатга олади:

- даъвогар талабанинг Иттифоқ ва олий таълим муассасаси фаолиятидаги маънавий-марифий ва жамоат ишларида Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти, маҳаллий ва худудий Кенгашлари, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиха ва тадбирларидағи фаол иштироки;
- даъвогар талабанинг фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидағи натижалари;
- даъвогар талабанинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятлари;
- даъвогар талабанинг илмий ва ижодий фаолияти натижалари;
- даъвогар талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши (талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларига риоя этмаганлиги юзасидан фақат олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида берилган ҳайфсан Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан даъвогар талабани моддий қўллаб-куватлашни рад этиш учун асос сифатида қабул қилинади).

Даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади.

4. Ҳар йили 1 февраль кунидан кечикмаган ҳолда Ёшлар Кенгаши олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-куватлаш бўйича ўз фаолиятини бошлаши лозим.

5. Ҳар йили 10 февраль кунига қадар мазкур йўриқноманинг 1, 2 ва 3-бандида кўзда тутилган талабалар Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-куватлаш кўрсатилишини сўраб ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

6. Ҳар йили 10 февралдан 15 февралга қадар Ёшлар Кенгаши даъвогар талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда моддий қўллаб-куватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қилишлари лозим.

7. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабани моддий қўллаб-куватлашга тавсия этиш ёки рад этиш хукуқига эга.

Даъвогар талабани моддий қўллаб-куватлаш рад этилган ҳолларда, Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёнида унинг сабаблари кўрсатилиши лозим.

8. Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилиши лозим.

Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига моддий ёрдам кўрсатишга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилиниши лозим.

9. Моддий қўллаб-куватлаш жараёни Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорининг бир нусхаси уч иш куни ичida тегишли олий таълим муассасасига, яна бир нусхаси Ёшлар Кенгашига юборилади.

Иттифок Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талабаларни моддий қўллаб-куватлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин беш банк куни мобайнида, лекин йилнинг 1 мартадан кечиқтирилмай олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобваракларига моддий ёрдам кўрсатиш пули ўtkазилади.

Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда даъвогар талабаларни моддий қўллаб-куватлашга тавсия этиш билан боғлик масалани кўриб чикиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

10. Қуйидаги ҳолларда Моддий ёрдам кўрсатиш пулининг қайтарилиши амалага оширилади:

- Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиқсан талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат раками 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хукуқига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобваракларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши лозим.

- Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат раками 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хукуқига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

- Талаба моддий қўллаб-куватланиш хукуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичida қайтаради.

11. Мазкур йўрикноманинг 10-бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор қилиши шарт.

12. Мазкур Қоидалар талбларига риоя этилиши, шунингдек, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-куватланган талабаларнинг ўкув жараёнидаги иштироки, ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ёшлар Кенгаши зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги 01-04/\_\_ сонли  
карорига 7-илова

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
(Олий ўқув юрти номи) ректори  
(имзо, муҳр Ф.И.О.)  
“\_\_” \_\_ 20\_\_ йил.

\_\_\_\_\_ (ОТМ номи) (факультет номи) да тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёнлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, фанлардан умумий ўртача ўзлаштириш кўрсатгичи 86% ва ундан юқори бўлган талабаларининг ички тартиб қоидаларига риоя этганлиги ва фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари тўғрисида

**МАЪЛУМОТ намунаси**

№	Талабанинг Ф.И.О.	Босқичи	20__-20__ ўқув йилининг қиши семестр натижалари		20__-20__ ўқув йилининг ёзги семестр натижалари	
			Ички тартиб қоидаларига риоя этганлиги	Фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Ички тартиб қоидаларига риоя этганлиги	Фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
1	Эгамбердиев Расул Холикович	1	Риоя этган	86,1	---	87,8
2	Қодиров Қобил Ўқтам ўғли	2	Дарс вактида уяли алоқа воситасидан фойдаланиб дарсга халакт қилганлиги учун институт ректорининг 09.10.15 йилдаги 555-сонли Буйруғи билан интизомий чора кўрилган (имза этилади).	87	---	86
3	Икромов Валижон Темирович	3	Риоя этган	86	Риоя этган	87
4	Расулов Қодир Икромович	4	Риоя этган	88	Риоя этган	86

*Изоҳ: Ички тартиб қоидаларига риоя этганлиги ва фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори босқич талабаларининг ўтган 2016-2017 ўқув йилидаги 2 та семестр натижалари, 1-босқич талабаларининг 2017-2018 ўқув йилидаги қиши семестр натижалари инобатга олинади.*

**Факультет декани ўринбосари**

**имзо**

**Ф.И.О.**

**Факультет декани**

**имзо**

**Ф.И.О.**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_сонли қарорига  
8-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Олий ўқув юрти номи ректори  
имзо, муҳр Ф.И.Ш.,  
“\_\_” \_\_ 20\_\_ йил.

(олий ўқув юрти номи)

тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, тўлов-контракт  
суммасининг 35 % ни тўлаб берилишини сўраб мурожаат қилган талабалар  
**РЎЙХАТИ намунаси**

№	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган санаси	Доимий яшаш жойи	Факультети	Босқичи	Паспорт маълумотлари (серияси, номери, качон ва ким томонидан берилган)	Бир йиллик тўлов-контракт миқдори	Шартноманинг тўланган қисми, %

Олий ўқув юртининг банк реквизитлари (Банк номи, Банк коди, Ҳисоб рақами, СТИР, ОКОНХ):

Рўйхатни тайёрлади:

Ходимлар бўлими бошлиги (имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи (имзо) (Ф.И.Ш.)

Маркетинг бўлими бошлиги (имзо) (Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон ёшлар иттифоки  
Марказий Кенгаси  
Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_сонли қарорига  
9-илова

(олий ўқув юрти номи)

**тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий  
кўллаб-куватланишга тавсия этилган талабаларнинг  
РЎЙХАТИ намунаси**

№	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Тугилган санаси	Доними яшаш жойи	Факультети	Босқичи	Паспорт маълумотлари (серияси, номери, качон ва ким томонидаи берилган)	Бир йиллик тўлов-контракт миқдори	Шартноманинг тўланган кисми, %

*Олий ўқув юртининг банк реквизитлари (Банк номи, Банк коди, Ҳисоб рақами, СТИР, ОКОНХ):*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (*OTM* номи)

Ёшлар етакчisi

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (*OTM* номи)

Ёшлар Кенгаси йиғилиши котиби

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
 Марказий Кенгаши  
 Ижроия қўмитасининг  
 2018 йил «\_\_» январдаги  
 01-04/\_\_сонли қарорига  
 10-илова

*(олий ўкув юрти номи)*  
**да тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, тўлов-контракт суммасининг 35%ни тўлаб берилишини  
 сўраб мурожаат қилган, лекин мурожаатлари рад этилган талабалар  
 РЎЙХАТИ намунаси**

№	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган санаси	Доимий яшаш жойи	Факультети	Босқичи	Паспорт маълумотлари (серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилган)	Моддий қўллаб-куватлаш рад этилганлиги сабаблари
							<i>Мурожаат қилмаган</i>
							<i>Ички тартиб қоидасини бузган</i>
							<i>Ўзлаштириши кўрсаткичи паст</i>
							<i>Ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этмаган</i>

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (OTM номи)**  
**Ёшлар Кенгаши етакчisi**

*(имзо)*

*(Ф.И.Ш)*

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (OTM номи)**  
**Ёшлар Кенгаши йигилиши котиби**

*(имзо)*

*(Ф.И.Ш)*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
 Марказий Кенгаши  
 Ижроия қўмитасининг  
 2018 йил «  » январдаги  
 01-04/  сонли қарорига  
 11-илова

**(OTM)да тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни  
 моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабаларнинг аризаларини рўйхатга олиш  
 ДАФТАРИ намунаси**

№	Ф.И.Ш	Факультет	Боскичи, гурӯҳи	Паспорт маълумотлари (серияси, номери, качон ва ким томонидан берилган)	Бошлангич ташкилотга ариза билан мурожаат килган сана	Ариза берувчининг имзоси	Маълумотни киритган масъул (Ёшлар Кенгаши аъзоси)		Телефон раками
							Ф.И.Ш	имзоси	
1									
2									
3									
4									

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (OTM номи)  
 Ёшлар етакчиси

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия қўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
12-илова

**Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган,  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган ва моддий қўллаб-  
кувватланишга даъвогар талабалар билан ишлаш ҳамда уларнинг  
жамоатчилик фаолиятини баҳолаш бўйича  
ТАВСИЯЛАР**

1. Мазкур тавсиялар олий таълим муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўртacha ўзлаштириш кўrsatкичи 86% ва ундан юқори бўлган талабалар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Бошланғич ташкилотда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўrтacha ўзлаштириш кўrsatкичи 86% ва ундан юқори бўлган талабаларнинг шахсий папкаси тайёрланади. Папкада талабанинг паспорти, оиласиий ахволи тўғрисида маълумот, шунингдек, ўтган ўкув йилидаги ўзлаштириши, интизоми, дарсларга қатнови, Иттифоқ фаолиятида иштироки тўғрисидаги маълумотлар йигиб борилади.

3. Ўкув йилининг бошида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўrтacha ўзлаштириш кўrsatкичи 86% ва ундан юқори бўлган талабаларга бериладиган имтиёз ва келгусида кўйиладиган талаблар, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти ҳақида маълумот беришга қаратилган ўкувлар ташкил этилади.

4. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўrтacha ўзлаштириш кўrsatкичи 86% ва ундан юқори бўлган ҳар бир талаба ўзининг йиллик иш режасини тузиб, гурух, факультет етакчилари билан келишилган ҳолда тизимли иш олиб боради. Талабалар ўзининг иш режаси асосида йил давомида фаолият юритади ҳамда ҳар чоракда бошланғич ташкилотга маълумотлар ҳамда ҳисобот тақдим этиб боради.

5. Моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фаол иштирок этган деб топилиши учун кўйидаги талабларни бажариши белгиланади:

- Моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мақсад-вазифалари ва фаолияти ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида билимга эга бўлиши;

- Моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талаба Иттифоқ тизимида фаолият юритаётган тўгараклар фаолиятида фаол иштирок этиши;

- Моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талаба Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари қошида ташкил этилган турли уюшма ва тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этиши;

- Моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар талаба Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий ва бошланғич ташкилот Кенгашлари томонидан ташкил этиладиган турли хайрия акцияларида фаол иштирок этиши;

- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Бошланғич ташкилот иш режасидаги тадбирларда ҳамда ташкилий ишларда фаол иштирок этиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Иттифоқнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари томонидан ташкил этилган лойиҳаларда фаол иштирок этиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Иттифоқнинг бошланғич ташкилот, худудий, маҳаллий Кенгашлари томонидан ташкил этилган Ёшлар ҳашарлари ва ободонлаштириш ишлари даги фаол иштирок этиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба шахсий ташаббуси билан Ёшлар Кенгashi кўмагида тадбир (войиҳа) ташкил этиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба жамоатчилик фаолиятини телевидения ва босма нашрлар (газета ва журналлар)да ёритиб бориши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба ОТМ миқёсидаги, Республика миқёсидаги, ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда иштирок этиб ва мақолалар чоп этиб бориши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба хорижий ва давлат грантларида иштирок этиб юқори натижаларга эришиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба ўзининг илмий-ижодий фаолиятини ривожлантириш устида аниқ мақсадларни белгилаган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ўзининг (кашфиёти), инновацион лойиҳаси ва илмий монографиялари устида иш олиб бориши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Республика, худудий, ОТМ ва Иттифоқ муассислигидаги босма нашрлар (газета ва журналлар)да илмий-публицистик мақолалар чоп этган бўлиши;
- Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ташкилий тузилмаси фаолиятидаги ўрни ва вазифаларини аниқ режалар асосида ташкил этиши;
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида тегишли газета ва журналларга эътибор берган ҳолда тизимда рўй бераётган янгиликларни мунтазам кузатиб бориш учун обуна бўлиши; ( “Молодёжь Узбекистана” газетаси , “Ёшлар овози” газетаси, “Ёш куч” журнали)

Юқорида кўрсатилган талаблар ёки талабанинг иш режасида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида юқори савияда бажарилгани ва самарадорлигига қараб талабалар (баҳолаш анкетаси I-блок ва II- блокдан жами 260 баллик ҳамда кўшимча имтиёзли балларни қўлга киритиши учун 115 баллик мезонда баҳоланади.

Баҳолаш тартиби Моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талаба баҳолаш анкетасида кўрсатилган **I -блок** (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидағи фаол иштироки) бўйича ўтиш кўрсаткичи 1-босқич даъвогар талабалар учун – 40 балл, юқори босқич даъвогар талабалар учун – 75 балл; ) **II- блок** (илмий-ижодий фаолиятдаги фаол иштироки) бўйича ўтиш кўрсаткичи 1-босқич даъвогар талабалар учун – 10 балл, юқори босқич даъвогар талабалар учун – 20 балл қилиб белгиланади.

Баҳолаш якунлари бўйича умумий ўтиш кўрсаткичи 70 балл тўплаган биринчи босқич талабалари ва 143 балл тўплаган юкори босқич талабалари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фаол иштирок этган деб топилади.

**(Юқорида кўрсатилган талаблар бўйича баҳолаш варақаси(анкета) илова қилинади.)**

6. Талаба хабардор қилинганига қарамай Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган тадбирларга келмаса ёки бош тортса, бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгаши томонидан ёзма огохлантирилади. Огохлантиришлар сони З тадан ошганда талаба моддий қўллаб-қувватлашдан рад этилади.

7. Талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ишларини ташкил этиш тартиби:

- ўкув йилининг 15 сентябрига қадар олий таълим муассасасидан 1-босқичга қабул қилинган талабалар рўйхати олиш;

- ўкув йилининг 1 февралига қадар олий таълим муассасалари ректорларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юкори бўлган моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига тавсия этиш ишларини тизимли ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғини чиқаришга эришиш;

- ўкув йилининг 10 февралига қадар олий таълим муассасаси раҳбарияти, олий таълим муассасаси бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгаши, олий таълим муассасаси бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, факультет етакчилари иштирокида талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш бўйича умумий йиғилишларни ўтказиш (моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабалар умумий йиғилиш бўлиб ўтишидан камида 5 кун олдин огохлантирилади);

- Умумий йиғилиш ўтказилган кундан сўнг факультетларда маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, факультет етакчилари иштирокида гуруҳ йиғилишларини ўтказиц, гуруҳ йиғилишида талабанинг ички тартиб-коидаларга риоя этиши, сабабсиз 30 соатдан ортиқ дарс қолдирмагани, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фаол иштирокига эътибор қаратиш;

- гуруҳ йиғилиши баёнлари ўкув йилининг 10 февралига қадар Иттифоқнинг олий таълим муассасаси бошланғич ташкилотлари Ёшлар Кенгашига тақдим этиш;

- Ҳар ўкув йили 10 февралдан 15 февралга қадар Иттифоқнинг олий таълим муассасаси бошланғич ташкилотлари Ёшлар Кенгаши зиммасига даъвогар таълабаларнинг аризаларини кўриб чикиш ҳамда қўллаб қувватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қилиш;

- ўкув йилининг 20 февралига қадар олий таълим муассасасининг маркетинг бўлими билан ҳамкорликда моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабаларнинг умумий рўйхатини тайёрлаш, шартнома-тўловнинг 65 фойзи тўланганини таҳлил қилиш ( *Моддий қўллаб-қувватланишга давогар талабалар тўлов-контракт сўммаси 65% миқдорини ҳар ўкув йили 28 февралдан кечикмасдан тўлаган бўлишига эътибор қаратиласди* ) ва олий таълим муассасаси ректорига тасдиқлатиш;

- ўкув йилининг 23 февралига қадар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юкори бўлган моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабалар орасидан моддий қўллаб-қувватланган талабалар ҳамда рад этилган талабалар рўйхатини тайёрлаш;

- ўқув йилининг 24 февраль куни талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этишга бағишлиланган бошланғич ташкилотот Ёшлар Кенгаши йиғилишини ўтказиш;
- Ўзбекистон ёшлар иттифокининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилотот Ёшлар Кенгаши тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этиш;
- Ўзбекистон ёшлар иттифокининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилотот Ёшлар Кенгаши ҳар ўқув йили 28 февралдан кечиктирмай Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ижроия қўмитаси томонидан 2018 йил “\_\_\_\_\_” январдаги 01-04/\_\_\_\_-сонли “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифокининг фаол аъзоси бўлган, моддий қўллаб-қувватлашга даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги карорида кўрсатилган барча иловаларни тўлиқ, электрон ҳамда тасдиқланган нусхада тақдим этиш;

- Талабалар томонидан ўқув йилининг 10 мартаңдан сўнг қилинган мурожаатлар қўриб чиқилиб, аниқланганҳар қандай ҳолатда хам талаба моддий қўллаб-қувватлашга қайта тавсия этилмайди

8. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиқсан талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат раками 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хуқуқига эга бўлган ҳолларда, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий газна ҳисобваракларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши лозим.

9. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат раками 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш хуқуқига эга бўлмаган ҳолларда, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулинин талабадан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

10. Талаба моддий қўллаб-қувватланиш хуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичида қайтаради.

11. Юқоридаги 8, 9, 10- бандларда кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор килиши шарт.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
13-илова

**Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган,  
моддий қўллаб-куватланишга даъвогар талабалар анкетасининг  
жамоатчилик фаолиятини баҳолаш жадвалида кўйилган  
балларни асословчи намунавий  
ХУЖЖАТЛАР**

**1-банд бўйича:** Талаба томонидан ишланган ва ишчи гурӯҳ томонидан текширилиб имзолangan тест вароги;

**2-банд бўйича:** Талабанинг Ёшлар учун ташкил этилган тўгараклардаги фаолиятини ва фаоллигини тасдиқловчи маълумотнома;

**3-банд бўйича:** Талабанинг Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари кошида ташкил этилган турли уюшма ва тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этганини асословчи маълумотномалар, рўйхат ва баённомалар;

**4-банд бўйича:** Талаба Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий ва бошланғич ташкилот Кенгашлари томонидан ташкил этиладиган турли хайрия акцияларида фаол иштирок этганилиги тўғрисида бошланғич ташкилот, худудий ва маҳаллий Кенгашлари маълумотномалари;

**5-банд бўйича:** Талаба Бошланғич ташкилот иш режасидаги тадбирларда ҳамда ташкилий ишларда фаол иштирок этганилиги тўғрисида маълумотлар, гурӯҳ, факультет етакчилари ва БТ Ёшлар Кенгаши аъзоси томонидан тасдиқланган ҳисоботи (*1-илова*);

**6-банд бўйича:** Талаба Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий Кенгашлари томонидан ташкил этилган лойиҳаларда фаол иштирок этганилиги ҳақида маълумотномалар (Ташаккурнома, фахрий ёрлик, диплом, сертификат, гувоҳнома нусҳалари илова қилинади);

**7-банд бўйича:** Талаба шахсий ташаббуси билан Ёшлар Кенгаши кўмагида тадбир (лойиҳа) ташкил этганилиги тўғрисида маълумотномалар ҳамда гурӯҳ, факультет етакчилари ва БТ Ёшлар Кенгаши аъзоси томонидан тасдиқланган ҳисоботи (*2-илова*);

**8-банд бўйича:** Талаба Иттифокнинг Республика, худудий, маҳаллий ва бошланғич ташкилот Кенгашлари томонидан ташкил этилган турли хайрия акциялари ҳамда Ёшлар ҳашарлари ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этганилиги тўғрисида бошланғич ташкилот, худудий ва маҳаллий Кенгашлар маълумотномалари, гурӯҳ, факультет етакчилари ва БТ Ёшлар Кенгаши аъзоси томонидан тасдиқланган ҳисоботи (*3-илова*);

**9-банд бўйича:** Талаба жамоатчилик фаолиятини телевидения ва босма нашрлар (газета ва журналлар)да ёритиб бориши тўғрисида маълумотлар; (Аник кўрсатиб ўтилиши лозим);

**10-банд бўйича:** Талаба фан олимпиадаларида фаол этганилиги ҳақида маълумотномалар (Ташаккурнома, фахрий ёрлик, диплом, сертификат, гувоҳнома нусҳалари илова қилинади);

**11-банд бўйича:** Талаба ОТМ миқёсидаги, Республика миқёсидаги, халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда иштирок этганлиги тўғрисида маълумотлар ва чоп этган мақолалари; (сертификат, гувоҳнома нусҳалари илова қилинади)

**12-банд бўйича:** Талаба хорижий ва давлат грантларида иштирок этганлиги ва юкори натижаларга эришганлигини тўғрисида маълумотлар (гувоҳнома, сертификат, диплом, патент нусҳалари илова қилинади);

**13-банд бўйича:** Талаба ўзининг илмий-ижодий фаолиятини ривожлантириш устида аниқ мақсадларни белгилаган ҳолда фаолият юритганлиги ҳамда ўзининг (кашфиёти), инновацион лойиҳаси ва илмий монографиялар устида иш олиб борганлиги аниқ натижаларга эришганлиги тўғрисида маълумотлар (гувоҳнома, сертификат, диплом, патент нусҳалари илова қилинади);

**14-банд бўйича:** Талаба Республика, ҳудудий, ОТМ ва Иттифоқ муассислигидаги босма нашрлар (газета ва журналлар)да чоп этилган илмий-публицистик мақолалари тўғрисида маълумотлар; (сертификат, гувоҳнома нусҳалари илова қилинади);

**15-банд бўйича:** Талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқиниг олий таълим муассасасидаги бошлангич ташкилоти ташкилий тузилмаси фаолиятидаги ўрни ва вазифаларини аниқ режалар асосида ташкил этиши тўғрисида маълумотлар; (Гурух етакчisi сайлови баённомаси тасдиқланган нусҳаси, Факультет етакчisi сайлови баённомаси тасдиқланган нусҳаси, Факультет Кенгаши аъзолари тасдиқланган баённомаси нусҳаси). ОТМ БТ ёшлар етакчisi юқоридаги қўрсатилган бошлангич ташкилот ташкилий тузилмасидаги фаоллар яъни гурух, факультет етакчisi ҳамда факультет кенгаши аъзоси, ОТМ Ёшлар Кенгаши аъзолари тасдиқланган баённомаси нусҳаси). ОТМ БТ ёшлар етакчisi юқоридаги қўрсатилган бошлангич ташкилот ташкилий тузилмасидаги фаоллар яъни гурух, факультет етакчisi ҳамда факультет кенгаши аъзоси, ОТМ Ёшлар Кенгаши аъзоларини аниқ режалар асосида фаолият юритганлиги ва фаолиятини кониқарли деб белгилаган тақдирда имтиёзли балл бериш Ёшлар Кенгаши йиғилишида кўриб чиқилади;

**16-банд бўйича:** Талаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимига тегишли газета ва журналларга эътибор берган ҳолда тизимда рўй бераётган янгиликларни мунтазам кузатиб бориш учун обуна бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; (“Ёшлар овози” газетаси, “Ёш куч” журнали, “Молодёжь Узбекистана” газетасига обуна бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжат (квитанция)нинг асл нусҳаси)

**Зарур бўлган бандлар бўйича фаолият давомида туширилган (талабанинг шахсан ўзи бўлган) фото суръатлар илова қилинади (4-илова).**

**Юқорида келтирилган барча бандлар бўйича моддий қўллаб-қувватланишига давогар талабанинг фаоллигини кўриб чиқшида ўрганилаётган даврдаги эришган натижаларига эътибор қаратиласди.**

***1-илова***

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган ҳамда фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган моддий кўллаб-кувватланишга даъвогар (*OTM. факультет номи*) — - гурухига ўқишга қабул килинганд талабаси (*Ф.И.Ш.*) томонидан 20\_\_ - 20\_\_ ўкув йилида жамоатчилик юзасидан амалга оширган ишлари юзасидан

**ХИСОБОТИ**

№	Чора-тадбир номи	Ўтказилган сана ва жойи	“Тасдиқлайман”		
			Гурух етакчиси	Факультет етакчиси	БТ Ёшлар Кенгаш аъзоси

*Сана**имзо**(Ф.И.Ш.)****2-илова***

Иттифоқнинг (*худудий, маҳаллий*) Кенгаши ҳамда бошлангич ташкилоти томонидан ташкил этилган ёшлар ҳашарлари ҳамда ободонлаштириш ишларида (*олий таълим муассасаси номи*)дан

иштирок этадиган талабалар

**РЎЙХАТИ***(сана, ой, йил)*

№	Ф.И.Ш.	Факультет

*Бошлангич ташкилот  
Ёшлар Кенгаши фаол ва  
иқтидорли ёшлар билан  
ишилаш юналиши етакчиси*

*имзо**(Ф.И.Ш.)*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган ҳамда фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган моддий қўллаб-кувватланишга даъвогар (*ОТМ. факультет номи*) — гурухига ўқишга қабул қилинганд талабаси (*Ф.И.Ш.*) томонидан 20\_\_ - 20\_\_ ўкув йилида амалга оширган лойиҳалар юзасидан

**ҲИСОБОТИ**


№	Лойиҳа номи	Ўтказилган сана ва жойи	“Тасдиқлайман”		
			Гурух етакчиси	Факультет етакчиси	БТ Ёшлар Кенгаш аъзоси

*Бошлангич ташкилот  
Ёшлар Кенгаши фаол ва  
иктидорли ёшлар билан  
ишиш юналиши етакчиси*


*имзо*

*(Ф.И.Ш)*

**1) ..... йил ..... куни ташкил этилган  
“Тафаккур синовлари” финал босиқичидан  
ФОТОЛАВҲАЛАР**



**2) ..... йил ..... куни ташкил этилган  
“Китоб билан олам мунаввар” шиори  
остида тадбиридан  
ФОТОЛАВҲАЛАР**



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
Ижроия кўмитасининг  
2018 йил «\_\_» январдаги  
01-04/\_\_\_сонли қарорига  
14-илова

## Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг

(олий таълим муассасаси номи)  
даги Ёшлар Кенгаши йиғилиши

БАЁНИ \_\_\_-сон

20\_\_\_ йил \_\_\_

ш.

Раислик қилувчи: \_\_\_  
(фамилияси, исми ва лавозими)

Кенгаш аъзолари сони \_\_\_ нафар.

Йиғилишда қатнашган Кенгаш аъзолари: \_\_\_  
(фамилияси, исми)

Таклиф этилганлар: \_\_\_  
(фамилияси, исми, лавозими)

Йиғилишда ёшлар Кенгаши аъзоларининг \_\_\_ нафари иштирок этаётганлигини ҳисобга олиб, йиғилишни ваколатли деб ҳисоблаш мумкинлиги таъкидланди.

Йиғилишни очиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди.  
Йиғилиш кун тартиби бир овоздан маъқулланди.

### КУН ТАРТИБИ:

да

(олий таълим муассасаси номи)

тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган, умумий ўзлаштириш кўрсаткичи 86 % ва ундан юқори бўлган ва контракт суммасининг 35 % ни моддий қўллаб-куватлаш тариқасида тўлаб берилишини сўраб мурожаат қилган талабаларни моддий қўллаб-куватлашга тавсия этиш масаласини кўриб чиқиши тўғрисида

Эшитилди: Ёшлар Кенгаши етакчisi \_\_\_.

Йиғилганларга 2017 йил 30 июнь куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курилтойи бўлиб ўтганлиги. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат

Миромонович иштирок этиб, “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир” мавзусида маъруза килганликларини, мазкур йигилишда бир катор масалаларга тўхталиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ютуқ ва камчиликларни бирма-бир таъкидлаб ўтилганлиги бўйича маълумот бериб ўтди.

Шунингдек Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир, ташаббускор, шижаотли ёшларни тарбиялаш мақсадида Президентимиз томонидан ёшлар билан ишлайдиган янги ташкилот Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш таклифи билдирилди ҳамда мазкур таклиф ёшлар томонидан юқори кайфиятда кутиб олинганилигини маълумот учун айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўтган давр мобайнида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони, 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон карори қабул қилинганилигини, мазкур хужжатларда ёшларга берилаётган имтиёзлар, фаолиятни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ва бир катор имкониятлар белгилаб берилганлигини йиғилганларни айтиб ўтди.

Юқоридаги хужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 30-2017-сон ҳамжа 186-сон карори (Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январь куни 2961-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тасдикланган “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўйлаб-куватлаш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ талабаларга ўкув йили учун белгиланган контракт суммасининг 35 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан моддий кўллаб-куватлаш тариқасида тўлаб берилиши белгиланганлигини маълум қилди ҳамда мазкур низомга мувофиқ талабалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган, ўкиши учун тузилган шартномада белгиланган тўлов микдорининг 65 фоизини тўлаган, таълим олаётган муассасасининг ички тартиб коидаларига риоя этган ва ўрганилаётган даврдаги фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи 86 ва ундан юкори фоиз бўлган талабаларга даъвогарлик қилиш хукуки берилганлиги эслатилиб ўтилди.

Раислик қилувчи ушбу ўкув йилида юқорида белгиланган меъзонларга жавоб берадиган ҳамда тўлов-контракт суммасининг 35 фоизини моддий кўйлаб-куватлаш тариқасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилишини сўраб \_\_\_\_\_ нафар талаба мурожаат қилганлиги бўйича маълумот бериб ўтди.

**Сўзга чиқдилар: \_\_\_\_\_ ва бошқалар.**

Бошлиғич ташкилот Кенгашига мурожаат қилган даъвогар талабалрнинг зарур хужжатлари уларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятидаги фаол иштироки, таълим муассасаси томонидан тақдим этилган уларнинг ўзлаштириши ва

ички-тартиб қоидаларига риоя этганлиги тұғрисидаги маълумотлари ўрганилиб, мухокама этилди ва муносабат билдирилди.

Даъвогар талабаларнинг ўқиши учун тузилган тұлов-контракт шартномаси микдорининг 65 фоизини тұлаганлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятидаги фаол иштироки, ички-тартиб қоидаларига риоя этганлиги ва ўрганилаётган даврдаги умумий ўзлаштириш күрсаткичи 86 ва ундан юқори эканлигини инобатта олиб, нафар талабаларга уларнинг 20 /20 ўқув йилидаги тұлов-контракт шартномасыда белгиланған сумманинг 35 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан моддий күллаб-куватлаш тариқасыда тұлаб берилишига тавсия этиш таклифи билдирилди.

Даъвогар талабалар орасыда юқоридаги низом талабларига риоя этмаганлигини аниқланғанлигини инобатта олиб уларнинг нафарининг мурожаатларини рад этиш таклифи билдирилди.

Билирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар атрофлича мухокама қилинди ва масала юзасидан қарор қилиш таклифи билдирилди.

Таклиф бир овоздан маққулланди.

“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тұлов-контракт асосыда таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий кўулаб-куватлаш тартиби тұғрисида”ти низомга асосан

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. (*олий таълим муассасаси номи*) да тұлов-контракт асосыда таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тұлов-контракт суммасининг 35 % ни тұлаб берилишини сўраб мурожаат килган талабаларнинг рўйхати 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. (*олий таълим муассасаси номи*) да 20 /20 ўқув йилида тұлов-контракт асосыда таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тұлов-контракт суммасининг 35 % ни тұлаб берилишини сўраб мурожаат қилган ҳамда моддий кўулаб-куватлашга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансан.

3. (*олий таълим муассасаси номи*) да 20 /20 ўқув йилида тұлов-контракт асосыда таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тұлов-контракт суммасининг 35 % ни тұлаб берилишини сўраб мурожаат қилган талабаларнинг мурожаатлари рад этилганларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ушбу йигилиш баёни 3 нусхада тасдиқлансан ва унинг 1 нусхаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига ҳамда 1 нусхаси таълим муассасасига 2-иловадаги рўйхат билан биргалиқда тақдим этилсин.

Қарор бир овоздан (*ёки қўпчилик овоз билан*) қабул қилинди.

Кун тартибидаги масала кўриб чиқилғанлиги муносабати билан йигилиш ёпик деб эълон қилинди.

**Раис**

*(имзо)*

*(Ф.И.О.)*

**Котиб**

*(имзо)*

*(Ф.И.О.)*

**Ёшлар Кенгашининг йигилишда иштирок этган барча аъзолари:**

*(Лавозими )*

*(имзо)*

*(Ф.И.О.)*

